



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 10 ноябрь, № 227 (6921) Жума

Сайтимиизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ МАСЛАХАТЧИСИ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 ноябрь куни «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажақ, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзuidaги халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган нуфузли делегацияга бошчилик қилаётган АҚШ Президенти маслаҳатчиси ўринбосари, Миллий хавфсизлик кенгашининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича катта директори Лиза Кёртисни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, ҳозирги вақтда Ўзбекистон — Америка мулоқоти амалий ҳамкорлик руҳида барқарор ривожланиб бораётганини қайд этди. Сентябрь ойида Ўзбекистон делегациясининг АҚШ-га сафари ҳамда АҚШ Президенти Дональд Трамп ва Америка бизнес доиралари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувлар яқунлари томонларнинг ўзаро ҳамкорлигини,

аввало, савдо-иқтисодий ва сармовий соҳалардаги алоқаларни амалий жиҳатдан кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича интилишлари қатъий эканини намойиш қилди. Қайд этилганидек, қатор муҳим халқаро муаммолар ечимни, глобал хавф ва таҳдидларга қарши курашиш масалаларига ёндашувларнинг мос ва муштарак экани ушбу долзарб йўналишлардаги ўзаро

ҳамкорлиқни сезиларли равишда мустаҳкамлаш имконини бермоқда. Учрашувда хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш мақсадида Афғонистон ва бутун минтақадаги вазият бўйича фикр алмашилди. Томонлар Марказий Осиё тенг ҳуқуқли ва ўзаро ҳамкорлик ҳудуди бўлиб қолишидан манфаатдор эканини таъкидлади. Шу маънода, Ўзбекистон раҳбариятининг

яқши қўшничилик алоқаларини кенгайтириш ва минтақа мамлакатлари ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслари ва амалий қадамлари муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди. Лиза Кёртис АҚШ раҳбарияти Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлашда туган ўрнини юксак кадрларини таъкидлади. Америка

Қўшма Штатлари Ўзбекистон билан узоқ истиқболга мўлжалланган муносабатларни янги босқичга кўтаришдан манфаатдор эканини қайд этди. **Ў.А.** **СУРАТЛАРДА:** Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг АҚШ делегацияси билан учрашуви. **Сарвар ЎРМОНОВ** олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БМТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 ноябрь куни БМТ Бош қотибининг сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси Мирослав Енча ва Бош қотибининг махсус вакили, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Наталья Германи қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Н. Германи БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари лавозимига тайинлангани билан табриқлади ва фаолиятига муваффақият тилади. Ўзбекистоннинг БМТ билан, хусусан, ақингача М. Енча раҳбарлик қилиб келган Минтақавий марказ билан ҳамкорлиги самарали бўлаётганини мамнуният билан қайд этди. Президентимиз 10 ноябрь куни Самарқандда иш бошлайдиган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажақ, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзuidaги халқаро конференцияни ташкил этишда БМТ муҳим ўрин тутганини таъкидлади. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида халқаро жараёнларда фаол иштирок этаётгани, жумладан, йилгилик қолган масалаларга амалий ечим топиш, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш, минтақанинг узоқ истиқболга мўлжалланган тараққиёти бўйича аниқ так-

лифлар илгари сураётгани ва амалга ошираётгани таъкидланди. Меҳмонлар БМТ ва унинг Бош қотиби Антониу Гутерриш номидан минтақада хавфсизлик ва барқарор ривожланиш таъминлаш бўйича ўтказилаётган халқаро форум мақсади ва вазифаларини қўллаб-қувватлашни билдирди. Таъкидланганидек, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш, «Мари-фат ва диний барккенглик» резолюциясини қабул қилиш, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам маслаҳатлашувларини ўтказиш бўйича илгари сурилган муҳим ташаббуслар мавжуд глобал ва минтақавий муаммоларни ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшади. Учрашувда, шунингдек, Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорлиқни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга доир бошқа масалалар муҳокама қилинди. **Ў.А.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар! Мухтарам Самарқанд аҳли! Бугун мен учун қадрдон бўлган, муқаддас Самарқанд замининда сиз, азизлар билан учрашиб, барчангизни соғ-саломат, яқши кайфиятда кўриб турганимдан хурсандман. Фурсатдан фойдаланиб, сиз, қадрдонларимга, сизлар орқали меҳнатқаш, мард ва олижаноб Самарқанд аҳлига ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдираман. Энг муҳими, шу кунларда давлатга пахта сотиш бўйича шартнома мажбуриятини мамлакатимизда биринчилик қаторида вилоятнинг барча туманлари бўйича бажариб, 217 минг тоннадан зиёд улкан ҳажмон бунёд этганингиз билан сизларни, бутун Самарқанд аҳлини чин қалбимдан самимий табриқлайман. Айниқса, ҳар гектар ердан 45 — 55 центнердан пахта ҳосили йиғиб-териб олган Иштихон туманидаги «Омонбой Фармонов», Нарпай туманидаги «Абди Евқоч», Каттақўрғон туманидаги «Ҳосил», Пахтачи туманидаги «Мирзаев Шухрат» каби фермер хўжалиқларининг номларини алоҳида айтиб ўтмоқчиман. Вилоят дехқонларининг бошқа тармоқлар бўйича ҳам йилни ёруғ юз билан яқунлаётганидан хабардорман. Сиз, азизларга, бутун Самарқанд элига фидокорона меҳнатингиз учун чуқур миннатдорлик билдириб, барчангизга сийҳат-саломатлик, оилавий бахт, қувонч ва шодлик тилашга рўхсат этгайсиз. Ҳурматли мажлис иштирокчилари! Бугунги сессия ташкилий масала билан бирга, Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши, бу йўлда эришилган ютуқлар, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари, келгуси

икки йилда олдимизда турган асосий вазифаларни муҳокама қилишга бағишланган. Сизларга яқши маълум, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар «Ҳамма нарса инсон манфаатлари учун» деган эзгу мақсадга қаратилган. Шу мақсад йўлида халқ билан мулоқот қилиб, одамларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этиш барчамиз учун асосий фаолият мезонига айланиб бораётгани амалда ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Оддий юртдошларимиз бугун ҳаётдаги ўзгаришлардан рози бўлиб, мамнун бўлиб гапиряётгани, ўзлари ҳам ана шу ўзгаришларнинг иштирокчисига айланиб бораётгани — бу бизни қувонтиради. Ҳақиқатан ҳам, халқимиз бугун ҳаракатга келди. Одамларда ишонч пайдо бўлди. Давлат органлари халққа, халқимиз эса ўз олдига қўйган мақсадларга қараб интила бошлади. Мен қаерга борсам, шу гапни такрорлайман: халқ биздан рози бўлса, ишимизда унум, барака бўлади. Одамларнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий дастурлар ва инвестиция лойиҳалари ҳам айнан ана шу мақсадларга қаратилгани билан эътиборлидир. Саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасини оладиган бўлсак, умумий қиймати 1 триллион 800 миллиард сўмлик 321 та йирик лойиҳани амалга ошириш бошладик. Утган даврда вилоятда 24 та йирик корхона ишга туширилди. Хусусан, Самарқанд шаҳрида йилга 8 миллион дона дори воситалари ишлаб чиқарадиган корхона

фаолияти йўлга қўйилди. Жомбой туманида 300 гектар ёнғоқзор барпо этилди. Самарқанд туманида 1 миллионга парранда боқиладиган хўжалик ташкил этилди. Йил охирига қадар яна 20 та йирик корхона ишга туширилади. Албатта, бу корхоналарнинг ҳар бири ҳақида, улар чиқараётган маҳсулотлар тўғрисида кўп гапириб бўлмайди. Лекин сизлар бу ишларнинг бевосита иштирокчиси бўлганингиз учун мен фақат бир-иккита мисол билан чекланиб ўтмоқдаман. Энг муҳими, бу корхоналарнинг барчаси ички бозоримиз учун, одамларимиз учун керакли маҳсулотлар чиқариб, Ватанимиз раванқи ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда. Яна бир муҳим томони шундаки, бу лойиҳаларнинг ҳаммаси тадбиркорларнинг ташаббуси билан, уларнинг ўз маблағлари иштирокчида амалга оширилмоқда. Биз уларга молиялаштириш ва рўхсат бериш, қулай имконият яратиш бўйича ёрдам бермоқдамиз, холос. Мен ўз маблағи, ташкилотчилиги билан ҳеч бўлмаганда 2-3 та иш ўрни яратган тадбиркорнинг бошимга кўтаришга тайёрман, деб айтган гапларимни бугун ҳам такрорлашдан чарчамайман. Мана, Самарқанднинг ўзидан шунча корхоналар очилиб, мингмиглаб иш ўринлари яратилаётган экан, бунинг учун вилоятдаги барча кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаси вакилларига чин юракдан раҳмат айтмоқчиман. Ҳақиқатан ҳам, халқ, давлат ниманинг ҳисобидан бой ва кўдратли бўлади? Энг аввало, шу йўлда кучини, билим ва тажрибасини, керак бўлса, молию жонини аямайдиган сизлардек тадбиркорлар ҳисобидан. Бизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбир-

корлик соҳасида олиб бораётган ислохотларимиз жаҳон ҳамжамияти, нуфузли халқаро ташкилотлар тан олаётгани — бу аввало сизларнинг меҳнатингизга берилган баҳодир. Шахсан мен шундай деб ҳисоблайман. Агар сизлардан ҳаракат бўлмаса, фақат Фармон ва қарорлар билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Шунинг учун мен тадбиркор — бу тараққиёт локомотиви, юрт таяничи, деб айтишга, сизларни бундан бўён ҳам қўллаб-қувватлашга тайёрман. Яқинда Жаҳон банки томонидан ўтказилган бу йилги бизнес соҳасидаги халқаро рейтинг ҳақида оммавий ахборот воситалари хабар эълон қилди. Ўзбекистон ушбу рейтингда 13 поғона юқори кўтарилиб, 190 та мамлакат орасида 74-ўринни эгаллади. Бу борада жаҳондаги энг илғор 10 та ислохотчи давлат қаторидан жой олди. Бу — жуда катта ютуқ, жуда катта эътироф. Шу билан бирга, мен кунчи кеча Жиззаҳда Шароф Рашидов хотирасига бағишлаб ўтказилган тадбирда бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтдим: биз хали катта йўлнинг бошида турибмиз. Эндигина биринчи қадамларни ташлаётимиз, холос. Нафақат бизнес, балки бошқа соҳаларда ҳам хали олдимизда жуда катта вазифалар турганини, ечимларга муаммолар ҳам кўплигини очик тан олишимиз керак. Масалан, бизнес соҳасида жорий этилаётган аниқлаш ҳолида, жумладан, Самарқанд вилоятида қандай қўлланмоқда, тадбиркорлар берилаётган ёнгиликларини амалда сезмоқдами ёки йўқми, деган саволларга, афсуски, тўла ижобий жавоб тополмаймиз. **(Давоми 2, 3-бетларда).**

ҲАР БИР ЛОЙИҲА ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича режа ва дастурлар билан танишиш, истиқболдаги вазифаларни белгилаш мақсадида 9 ноябрь куни Самарқандга келди.

Давлатимиз раҳбари Ҳазрати Хизр мажмуасида бўлиб, Биринчи Президентимиз Ислам Каримов қабрини зиёрат қилди. Қуръон тиловат қилинди. Шавкат Мирзиёев мажмуада олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечириди. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 25 январдаги «Ўзбекистон Республи-

касининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. 2017 йил 31 август кунини пойтхатимизда, 2 сентябрь кунини Самарқанд шаҳрида мустақиллигимиз асосчиси, буюк давлат ва сийёсат арбоби Ислам Каримовнинг улугвор ҳайкаллари очилди. Айни пайтда Ислам Каримов дафн

этилган ёдгорлик мажмуаси ҳудудда сўнги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Президентимиз вилоятга аввалги ташрифлари чоғида мақбара қурилишини яқунига етказиш, зиёратчилар учун шароитларни янада яқшилаш, ҳудудни ободонлаштириш бўйича кўрсатмалар берган эди. **(Давоми 3-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Т. И. ЖЎРАЕВНИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ: **Туробжон Икромович Жўраев** Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин. **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ** Тошкент шаҳри, 2017 йил 9 ноябрь **(Давоми 3-бетда).**

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕХҲТ БОШ ҚОТИБИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 ноябрь куни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Бош қотиби Томас Гремнингери қабул қилди. Давлатимиз раҳбари Швейцариянинг атоқли дипломатини юқори ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қўлгаб, Ўзбекистон ЕХҲТ билан янада фаол ҳамкорлик қилиш, ташкилот мандатига кирувчи барча масалалар бўйича ўзаро аниқлашувни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини қайд этди. ЕХҲТ Бош қотибининг ташрифи ҳамда унинг Самарқандда бўлиб ўтадиган халқаро конференциядаги иштироки мамлакатимизда Ташкилот томонидан Ўзбекистонда ҳаётининг барча жаҳасида рўй бераётган туб ўзгаришлар, жумладан, демократлаштириш жараёни, инсон ҳуқуқлари, арқинлик ва манфаатларини таъминлаш, инвестиция муҳитини яқшилаш ва амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг бошқа муҳим жиҳатларига бўлган қизиқининг тасдиғи сифатида баҳоланмоқда. Томас Гремнингер Ўзбекистоннинг қўшни мамлакатлар, жумладан, Афғонистон билан алоқаларини мустаҳкамлаш бўйича изчил ва амалий қадамларини юксак кадрлайди. Юқори мартабали меҳмон нуфузи ва иштирокчилари сони кўпчилиги бўйича мислсиз бўлган Самарқанд форуми натижалари минтақавий ҳамкорликка янги сурбат бериш, стратегик жиҳатдан муҳим минтақада ўзаро аниқлашув ва ишонч муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирди. Меҳмон Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Харақатлар стратегиясининг асосий йўналишлари ЕХҲТнинг хавфсизлик, иқтисодий-экологик ва инсон меъзолилари бўйича барча мақсад ва устувор йўналишлар билан тўла ҳамоҳанг эканини алоҳида таъкидлади. ЕХҲТ ва унинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ўзаро ҳамкорликка, мамлакатимизда узоқ истиқболга мўлжалланган ислохотлар ва ўзгаришларни амалга ошириш бўйича тажриба алмашиш ва эксперт кўмаги кўрсатишга тайёр экани билдирилди. Учрашувда ЕХҲТ фаолиятига оид бошқа масалалар, жумладан, минтақавий ва халқаро долзарб муаммолар кўриб чиқилди. **Ў.А.**

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Шу муносабат билан барча бўғиндаги раҳбарлар, айниқса, жойлардаги ҳокимлар ва мансабдорларни оғохлантириб айтмоқчиман: тадбиркорга мадад бериш ўрнига унинг йўлига тўсиқ қўйиш — бу Президент сўбатига қарши чиқиш, деб баҳоланади ва шунга яраша чора қўрилади.

Барчамиз бир ҳақиқатни тушуниб олишимиз шарт: тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳусусиятлари аввало ёшларга хос фазилат ҳисобланади. Демак, тадбиркорликка йўл очиш — авваломбор ёшларга, келажакка йўл очиш демакдир.

Қайси раҳбар шунга тўғри тушуна, албатта у бошқарётган тармоқда, ҳудудда самара, натижа бўлади. Ким бунга тушуна, яхши, у ўз ўрнини бўшатиб қўйгани маъқул. Чунки нафақат ёшлар, балки замон ҳам энди бундай раҳбарларни қабул қилмайди.

Маълумки, Самарқанд вилояти замонавий, яхши ривожланган ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация, ижтимоий инфратузилмаларга эга экани, инсоний ва интеллектуал салоҳияти билан бошқа қўпгина ҳудудларимизга нисбатан устун туради. Яъни, Самарқанддаги имконият ҳамма жойда ҳам мавжуд эмас.

Лекин, афсуски, ана шундай улкан салоҳиятдан тўлиқ фойдаланишда вилоятда оқсоқлик бор. Бу — ҳақиқат ва бунга очик айтишимиз керак.

Бошқа ҳудудларга борсангиз, раҳбарлар имконият қидириш билан овоза эканини кўрасиз. Бу ерда эса вилоятнинг собиқ биринчи раҳбари Химмат Окбўтаевда ташаббуснинг йўқлиги ва бедарқлиги тўғриси бор имконият ҳам ишга солинмади. Оқибатда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши анча секинлашди. Бу борадаги кўрсаткич шу йилнинг 9 ойи давомида республика бўйича 5,3 фоизни ташкил этган бўлса, вилоятда 3,4 фоизни ташкил этгани ҳам бунга кўрсатиб турибди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот тарихида саноятнинг улуши 24 фоиз атрофида бўлиб, бу мамлакатимизда энг паст кўрсаткичлардан биридир. Боя мен бу ердаги катта имкониятлар ҳақида бекорга гапирганим йўқ. Шунинг учун бундай рақам билан қифояланиб юриш Самарқанд вилоятига мутлақо ярашмайди.

Вилоятда саноятнинг энг ривожланган тармоғи — истеъмол товарлари ишлаб чиқариш соҳаси ҳам бир жойда тўхтаб, депрессия турганини, мана, шу соҳанинг раҳбарлари ўтирибди бу ерда, улар бунга қандай изоҳлайди?

Сизлар нима учун бу масала билан қизиқмайсизлар? Бу фақат вилоятнинг муаммоси эмас. Ўшқ бозоримизни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириб, экспорт қилиш — бу барчамизнинг ишми.

Халққа энг яқин яна бир соҳа — хизмат кўрсатиш бўйича ҳам ўсиш секинлашгани кузатишда. Экспорт бўйича прогноз кўрсаткичларини бажариш масаласида ҳам саволлар қўяйиб бормоқда.

Шу сабабли ушбу сессия арафасида тегишли вазирликлар, компания ва банклар раҳбарларини Самарқанд вилоятига юбордик. Улар бу ерда ўн кун мобайнида қўшимча резервларни аниқлаб, конкрет инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланди. Бу ишларнинг натижаси сифатида қўшимча инвестиция лойиҳаларини ўз ичига олган янги Дастур лойиҳаси шакллантирилди.

Дастурга мувофиқ 2018-2019 йилларда Самарқанд вилоятида умумий қиймати 4 триллион 200 миллиард сўм бўлган 321 та йирик лойиҳа амалга оширилади ва қарийб 11 мингта янги иш ўрни яратилади.

Бу лойиҳалар, асосан, қуйидаги асосий йўналишлар бўйича жорий этилади.

Биринчидан, энгил саноятда умумий қиймати 1 триллион 400 миллиард сўм бўлган 34 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади ва 3 минг 400 дан ортқ иш ўрни яратилади.

Бунда асосий эътибор ҳам ашёни чуқур қайта ишлаб, рақобатдош ва экспортбор тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилади.

Натижада вилоятда пахта толасини қайта ишлаш даражаси бугунги 20 фоиздан 2018 йилда 60 фоиздан ошадди, 2019 йилда эса 100 фоизга етказилади.

Иккинчидан, қўри теҳнологияларга асосланган машинасозлик, электротехника ва фармацевтика каби замонавий соҳаларда умумий қиймати 715 миллиард сўмлик 17 та лойиҳа амалга оширилади.

Еттинчидан, юқори теҳнологияларга асосланган машинасозлик, электротехника ва фармацевтика каби замонавий соҳаларда умумий қиймати 715 миллиард сўмлик 17 та лойиҳа амалга оширилади.

Учинчидан, маҳаллий хом ашё асосида замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича умумий қиймати 407 миллиард сўмлик 33 та лойиҳа амалга оширилади ва 1 минг 200 та янги иш ўрни яратилади.

Мисол учун, Пастдаргом туманидаги цемент корхонасида йилга 560 минг тонна цемент, темир йўл таъмирлаш корхонасида 10 минг тонна графит ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Тўртинчидан, Самарқанд заминда етиштириладиган ширин-шакар мевалар, сабзавот маҳсулотларининг довриги бутун дунёга яхши маълум.

Афсуски, бизда уларни замонавий

қайта ишлаш, сақлаш ва истеъмолчига етказиш бўйича самарали тизим йўлга қўйилмагани учун бу боилиқнинг катта қисми қишга етмасданқў йўқ бўлиб кетади.

Хозирги кунда экологик тоза ва хавфсиз озиқ-овқат масаласи жаҳон миқёсида қандай долзарб бўлиб бораётганини барчамиз телевидение, интернет орқали кўриб-билуб турибмиз.

Ана шу масалаларнинг барчасини ҳисобга олиб, юртимизда, жумладан, Самарқанд вилоятида мева-сабзавот етиштириш, уни сақлаш ва қайта ишлашни янада кўпайтириш чораларини кўрялмиш.

Бу борада охириги йилларда вилоятда 9 минг гектардан ортқ интенсив мевали боғлар барпо этилгани албатта катта иш бўлди.

Жорий йил апрель ойида вилоятга ташриф пайтида берилган топириққа асосан, 1 минг 300 гектар ёнғоқзор, 230 гектар пистазор ва 60 гектардан ортқ унаби плантациялари барпо қилинди. **“Эртанинг гамини бундан кўриб қўй”** деган нақлга амал қилиб, энди бу боғларнинг мевасини қайта ишлаш, улардан қандай маҳсулотлар тайёрлаш, уларни дунё бозорига чиқариб сотиш ҳақида ўйлашимиз керак.

Нега деганда, маҳсулотнинг бозорини топиш — бу азоб. Бугун дунёда, жаҳон бозорига қандай кучли рақобат хужум суратида сизларга яхши маълум.

Биз хозирги кунга қадар вилоятда ҳосилдорлиги паст бўлган 7 минг 200 гектар ерни пахта ва галладан бўшатдик. 2018 — 2020 йилларда яна 15 минг гектар майдон галла ва пахтадан бўшатилади. Бу ерларда боғлар барпо этилади ва юқори даромадли эканлар экилади.

Шу тариха қишлоқ хўжалигининг тарихий тузилиши ўзгаради, у билан боғлиқ қайта ишлаш тармоқлари, инфратузилмалар ўзгаради. Шу мақсадда келгуси 2 йилда мева-сабзавот етиштириш ва қайта ишлаш бўйича **519 миллиард сўмлик 47 та лойиҳа** амалга оширилади.

Натижада вилоятда қўшимча равишда 6 минг 400 гектар янги боғ, 100 гектар иссиқхона, 24 минг тонналик совитиш камералари барпо этилади, мева-сабзавотини қайта ишлаш даражаси 16 фоиздан 31 фоизга етказилади.

Хабарингиз бор, биз яқинда кўп тармоқли фермер хўжалиқлари ва томорқа хўжалиқлари бўйича қарор қабул қилдик.

Унга биноан, илгариги Фермерлар кенгаши Кўп тармоқли фермер ва томорқа хўжалиқлари кенгаши сифатида қайта ташкил этилди, унинг вазифалари ҳам, ваколатлари ҳам кенгайтирилди. Энди бу ташкилот амалий ишлар билан ўзини кўрсатадиган вақт келди.

Бешинчидан, чорвачиликни жадал ривожлантириш мақсадида насли қорамолларни кўпайтириш бўйича **47 миллиард сўмлик 14 та лойиҳа,** ларрандачилик бўйича **186 миллиард сўмлик 22 та лойиҳа** амалга оширилади.

Шу тариха вилоятда чорва моллари сони **1,4 баробар ўсишига эришилади.**

Самарқанд туманидаги қурчаллик корхонасида 40 миллиард сўмлик инвестиция ҳисобидан 300 минг бош қурқа боқувчиларни хўжалик ташкил этилади.

Сизларга яхши маълум, яқинда асаларчиликни ривожлантириш бўйича қарор қабул қилдик. Шу йўналишда Самарқанд вилоятида ҳам бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, терини қайта ишлаш, ундан пойабзал ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш бўйича **38 миллиард сўмлик 7 та лойиҳа** амалга оширилади.

Олтинчидан, “Ургут” эркин иқтисодий зонасида 138 миллион долларлик 43 та янги лойиҳа амалга оширилади ва 2 минг 500 та янги иш ўрни яратилади.

Яқинда Туркия Республикасида амалга оширган ташрифимиз давомида туркиялик ишбилармонлар билан мазкур иқтисодий зонада ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича музокаралар ўтказдик. Энди ана шу келишувларни амалга ошириш учун биз белишимизни қаттиқ боғлаб, янада масъулият билан ишлашимиз керак.

Биз Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарлари, Булунгур, Нарпай ва Пастдаргом туманларида бўш турган ва тўлиқ фойдаланилмаган этган саноят объектлари нағизлида **6 та кичик сановат зонаси** ташкил этишни мўлжаллаялмиш.

Еттинчидан, юқорида тилга олинган йирик лойиҳалардан ташқари, умумий қиймати 340 миллиард сўмлик 1 минг 700 тага яқин кичик лойиҳалар ҳам амалга оширилади ва 7 мингдан зиёд иш ўрни яратилади.

Бош вазир ўринбосари Ж. Қўқоров, Иқтисодий вазирлиги (С. Бекенов), Марказий банк, Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Т. Жўраев) тегишли вазирлик ва компаниялар билан биргаликда, **20 кун мuddатда** Самарқанд вилоятида 2018-2019 йилларда амалга ошириладиган йирик инвестиция лойиҳалари бўйича дастур ишлаб чиқиши керак. Унда объектларни ишга тушириш мuddатлари, молиялаштириш манбалари, лойиҳа ташаббускорлари ва инвесторлар аниқ белгилаб қўйилиши лозим.

Хўсб палатаси (М. Икрамов) ҳар бир лойиҳа қанчалик асослангани, унинг молиявий манбалари қаролатилганини-йўқми, буларнинг барчасини

ўрганиб, ўз хулосасини бериши керак. Ҳурматли дўстлар! Самарқанднинг улкан **туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш** масаласига алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Бу борада вилоятда қандай катта салоҳият борлиги ҳақида сизларнинг олдингизда ортқча гапириб ўтиришининг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Туризм ҳақида гапирганда, бир масалага алоҳида эътиборингизни қаратмоқчиман.

Айрим мамлакатларда хорижий сайёҳлар эътиборини торттишга қаратилган туристик брендлар яратиш учун узоқ йиллар ва катта маблағ сарфлаш талаб этилади. Яъни, улар қўпгина йўқдан бор қилади.

Холбуки, Самарқанд шаҳри учун бутун оламга машҳур брендларни бундан неча асрлар олдин улуғ аждодаларимиз яратиб кетганлар.

Узингиз ўйланг, Самарқанд шаҳри, Имом Бухорий, Амир Темур, Улугбек расадхонаси, Хазратни Дониёб, Регистон, Шоҳи Зинда ансамбли деган номларнинг ўзи, таъбир жоиз бўлса, жаҳон миқёсидаги машҳур брендлар эмасми?

Гал мана шундай беқиёс обидаларимиз, гузал табииатимиз, саховатли заминимиз имкониятларидан оқилона фойдаланишда. Уларни дунёга намойиш қилиб, жозибдорлигини оширишда. Бунинг учун замонавий билим ва малака, туризм соҳасининг барча сирларини илдан игнасиғача чуқур билиш, тинимсиз ишлаш, ўз касбининг устаси ва фидойиси бўлиш керак.

Биз бу борадаги ишларимизни юксак босқичга кўтариш мақсадида 2017 — 2019 йилларда Самарқанднинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича алоҳида дастур қабул қилдик.

Дастурга мувофиқ, Самарқанд шаҳрида сайёҳлар учун махсус “Самарқанд Сити” туризм ҳудудини барпо этиш белгиланди. Янги меҳмонхоналар қуриш, транспорт хизматини яхшилаш, шаҳарни ободонлаштириш, янги туризм хизматларини жорий этиш ва соҳа учун кадрлар тайёрлаш ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Бу борада биз янги, замонавий ёндашулар асосида иш олиб бораемиз. Яъни, “Хавфсиз туризм” концепцияси ишлаб чиқилиб, у барча ҳудудларда, жумладан, Самарқанд шаҳрида ҳам кенг жорий этилади. Шу тариха хорижий ва ички сайёҳлар хавфсизлигини тўлиқ таъминлашга эришамиз.

Бу йўналишда бошлаган тизимли ишларимиз натижасида хозирингиз ушардаёқ ижобий ўзгаришлар сезилмоқда.

Бунга 2017 йилда Самарқанд вилоятига 1 миллион 100 мингдан зиёд, жумладан, 150 мингта хорижий ва 950 мингта маҳаллий сайёҳларнинг келиши мисолида ҳам қўриш мўкин.

Хўсб-китобларга кўра, бу сайёҳлар Самарқанд вилоятида турли хизматлар ва товарлар учун ҳам **480 миллиард сўм** сарфлаган.

Ваҳоланки, вилоятдаги барча фермерларнинг йил давомида оғир меҳнат қилиб етиштирган пахтаси ҳисобидан олган фойдаси атиги **52 миллиард сўми**ни ташкил этади.

Ана шу иккита рақам мисолида ҳам ўзингиз аққол кўриб турибсизки, илгарги эътибордан четда бўлмаган туризм — бутун халқимиз йил ўн икки ой овоза бўладиган пахтачиликни нисбатан бир неча баробар кўп даромад келтиради.

Бирок, пахтачиликни кенгайтиришнинг умуман иложи йўқ бўлгани ҳолда, Самарқанднинг салоҳиятини инобатга олсак, туризмни ривожлантириш имкониятларини чексиздир.

Шу сабабли БШ вазир ўринбосари Ж. Қўқоров, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А. Абдуҳакимов), вилоят ҳокимининг туризмни ривожлантириш бўйича ўринбосари (М. Восиев) Дастурда белгилаган барча чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлаш ҳамда 2018 йилда Самарқандга келадиган сайёҳлар сони 2,5 миллионга, тушумларини эса 1 триллион сўмга етказиш чораларини кўриши керак.

Шунингдек, вилоятда туризмни ривожлантириш бўйича қуйидаги қўшимча чораларни кўриш зарур.

Биринчидан, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” (У. Розуқулов), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А. Абдуҳакимов):

бир ой мuddатда мамлакатимиздаги барча шаҳарлар, жумладан, Самарқанд шаҳри аэропортига хизмат маданийтини ошириш, барча расмийлик тартибларини сайёҳлар учун тез ва қулай шaroитда амалга ошириш бўйича аниқ чораларни кўриши керак;

икки ой мuddатда юртимиздаги халқаро аэропортларда сайёҳлар учун тегишли ҳудуднинг туристик салоҳияти, жумладан, туристик йўналишлар, меҳмонхоналар, қўнғилчор масканлар, транспорт ва бошқа хизматлар ҳақида хорижий тилларда маълумотлар берадиган **туризм ахборот марказларини** ташкил этиш лозим.

Иккинчидан, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А. Абдуҳакимов) Самарқанд вилояти ҳокимлиги, тегишли вазирликлар билан биргаликда, **бир ой мuddатда** хорижий сайёҳларга халқимизнинг тарихи ва турмуш тарзи билан танишиш имконини берадиган масканлар барпо этиш, хизмат сифатини янада яхшилаш бўйича қўшимча тадбирлар ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиши зарур. Жумладан, Самарқанд шаҳрида Амир Темур боғини барпо этиш, бу ерда

сайёҳлар ўзини худди темирйўллар даврига тушиб қолгандек ҳис қиладиган тарихий-этнографик муҳит яратишни назарда тутиш керак.

Шунингдек, хорижий сайёҳлар учун қизиқарли бўлган аъналаримиз, хусусан, миллий таомлар, хунармандлик ва бой тарихимизни таъсирчан усулларда кўрсатадиган этник-анимацион марказлар ташкил этиш лозим.

Учинчидан, Дин ишлари бўйича қўмита (О. Юсупов) Ўзбекистон мусулмонлари идораси (У. Алимов) билан биргаликда мамлакатимиздан ҳаж ва умра зиёратларига борадиган фуқаролар учун аниқ режа асосида дастлаб Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилишни ташкил этиши керак. Улар муборак сафарларга нафақат оддий зиёратчи, айни пайтда буюқ аждодаларимиз меросини, элимиз, юртимизни тарғиб этадиган инсонлар сифатида боссалар, нур устига нур бўларди.

Биз, мана, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этмоқдамиз. Бу лойиҳага бутун ислом дунёсида қизиқш катта. Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг сессиясида ҳам шу ҳақда гапирдик.

Албатта, бундай марказни барпо этишдан мақсад фақат туристлар сонини кўпайтириш, иқтисодий фойда олиши эмас. Бизнинг мақсадимиз — Курьонни қаримдан кейин энг мўтабар манба бўлган энг ишончли ҳадислар тўпламини яратган Имом Бухорий бобомизнинг қўлтуғ мероси билан халқимиз, аввало, ёшларимизни таништириш, уларнинг қалбид миллий ғурур, фахру ифтихор уйғотишдан иборат.

Мана, Тошкентда Ислам цивилизацияси марказини бунёд этилди. Токи, болаларимиз бошини баланд кўтариб, мен мана шундай улуғ инсонларнинг авлодман, деб яшайдиган бўлсин, уларга муносиб бўлиб воғяга етсин.

Ислам дини — бу террорчилик ва экстремизм дини эмас, аксинча, эзгулик, олийонаблик, бағрикенглик дини эканини айнан мана шундай болаларимиз меросини ўқиб-ўрганиб алабдек етсин. Ҳақиқий маърифат билан ҳаюлат дунёсини ёритиш — мана, бизнинг мақсадимиз.

Тўртинчидан, Хоразм вилояти таърибасидан келиб чиққан ҳолда, биз ички туризмнинг янги йўналишини жорий этмоқчимиз. Унга кўра, мамлакатимиздаги йирик хўжалик бирлашмалари, бюджет ташкилотлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ходимларининг Самарқанд вилоятига савҳат қилишини тизимли тарзда ташкил этиш лозим.

Ҳурматли сессия иштирокчилари! Инсон манфаатлари ҳақида гапирганда, биз доимо аҳоли деярли ҳар кўни мушоафат қиладиган энг муҳим соҳалар — **соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, ҳуқуқ-тартиб тизимларида вазиятни яхшилаш ҳақида гапираримиз.**

Мен ўзининг Президент сифатидаги фаолиятимда шу соҳаларга алоҳида эътибор бераётганим бежиз эмас. Чунки ана шу соҳаларда адолат бўлса, бошқа соҳаларда ҳам адолат бўлади.

Агар ушбу тизимларда тартиб-интизом, инсонга эътибор бўлмаса, ўзингиз айтинг, бошқа соҳалардан нимани кутиш мўкин? — Инсон, жамиятни — жамият қиладиган аниқ шу соҳалар, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрни қўллаб-қувватлайсиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Самарқанд вилоятида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Албатта, қишлоқ жойларда 43 та оилавий поликлиника, шаҳар ва туманларда 47 та иختисослаштирилган бўлим ташкил этилиб, аҳолига яшаш жойининг ўзида иختисослашган тиббий ёрдам кўрсатилаётгани — катта янгилик, ўшимиздаги катта сиғимшидир, десак, тўри бўлади.

Жорий йилда шифокорлар етишмайдиган туман тиббиёт бирлашмаларида 284 та умий ампалиёт врач ва 90 та аниқ иختисослик врач ишга қабул қилинди.

Мамлакатимиз тиббиёт тизими учун янгилик бўлган патронаж ҳамширалари сони 33 фоизга кўпайиб, аҳолини патронаж тизими билан қамраб олиш келгади.

Республика иختисослаштирилган тиббиёт марказлари ходимлари вилоятга юборилиб, улар томонидан 6 минг 200 нафар аҳоли тиббий қўриқдан ўтказилди, 90 та ёки ўтган йилга нисбатан 3 баробар кўп юқори теҳнологик операциялар амалга оширилди.

Тез тиббий ёрдам шохобчалари қўшимча 100 та автомобил билан таъминланди, уларнинг дори воситалари билан таъминланиши ўртача 2-3 баробар оширилди.

Бундай мисолларни яна давом эттириш мўкин.

Лекин бу ишлар хали фақат биринчи қадамлар, холос. Бу масалада бизни фақат рақамлар эмас, балки одамлар ҳаётидаги ўзгариш, сифат ўзгариши қизиқтиради. Шу маънода, очик айтман, вилоятда бу соҳада камчиликлар кўп.

Мисол учун, жорий йилнинг 9 ойи давомида гулдаклар ўлими ўтган йилга нисбатан 17 тага ошиб, 435 таши ташкил этган. Оналар ўлими ҳам 16 фоизга кўпайган.

Вилоятда онкологик касалликлар билан ҳисобга олинган беморларнинг 62 фоизи касалликнинг учинчи ва тўртинчи босқичларида, яъни, жуда кеч аниқланган. Шифокорлар томонидан

профилактика кўриқлари ва онкологик касалликлардан оғохлантиришга етарли эътибор қаратилмагани, бепарволикка йўл қўйилганлиги бундай ҳолатларга асосий сабаб бўлмоқда.

Вилоятда бугунги кунда 681 та врачлик ўрни бўш турибди. Айниқса, қишлоқ врачлик пунктлари ва қишлоқ оилавий поликлиникаларида 384 та шифокор ўрни бўш.

Бу муаммони ҳал қилиш учун Самарқанд тиббиёт институтига ва бошқа тиббиёт институтларига қўшимча ўринлар ажратилган бўлса-да, вазият ижобий томонга ўзгармапти.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Шодмонов), Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан бирга, бир ой мuddатда вилоят соғлиқни сақлаш тизимидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширсин.

Шунингдек, 2018 йилда Каттақўрғон шаҳри, Пайарик, Ургут ва Пахтачи туманларининг тиббиёт бирлашмалари қошида туғуруқ бўлимларини ташкил этиш, шунингдек, Самарқанд тиббиёт институтининг туғуруқ бўлимида туманлараро перинатал маркази ташкил этиш чораларини кўриш лозим.

Вилоятда ёшларнинг истеъод ва қобилиятини рўбга чиқариш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида ҳам бирнунча ишлар амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, жорий йилда **ёш оилалар учун 64 та квартира қуриб битказилиб**, ўз эгаларига топширилганини таъкидлаш лозим.

Тарихга назар ташласак ҳам, бугунги кунга қарасак ҳам, Самарқанд замининдан кўп соҳалар бўйича қандай буюқ, истеъодли инсонлар етишиб чиқгани ва чиқаётганига ғувоҳ бўламиз.

Самарқанд ёшларининг илм-фан, маданият ва санъат, айниқса, спорт соҳаларида эришяётган ютуқлари мени жуда қувонтиради.

Жорий йилда ёшлар ўртасида шахмат бўйича жаҳ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланishi 1, 2-бетларда).

Мана, битта мисол. Самарқанд шаҳридаги 33 та маҳаллада содир этилган жиноятларнинг камида ярами муҳофама этилмаган. Аксарият маҳалларда муҳомама қилинган, фақат ҳисобот уноқ ташкил этилган. Бу борада маҳалла раислари, профилактика инспекторлари қаёққа қарапти, деган савол туғилади. Кўпол бўлса янги керак, ҳаммаси ухлаб ўтирибди. Ёки ўзи билан ўзи овера.

Аёллар томонидан содир этилган 436 та жиноятнинг аксарияти оилавий келишмовчиликлар оқибатида келиб чиққан.

Аёллар томонидан ўз жонига қасд қилиш даражаси юқорилигига қолмоқда, яъни, 145 тани ташкил этмоқда. Хотин-қизлар кўмитасининг масъул раҳбарлари бу рақамларни қандай изоҳлайди?

Маҳалла вакиллари, профилактика инспекторлари ўз ҳудудларида уйма-уй юридик, оилалардаги аҳолини ўрганиб, деб ҳисобот беришади-ю, лекин ҳақиқий вазиятдан уларнинг мураккаб хабари йўқлиги тахлиллар жараёнида яққол аён бўлмоқда.

Оғоҳлантириб айтмоқчиман: бундай сохта ҳисоботлар билан ишлайдиганлар қонун бўйича тегишли жазосини албатта олади. Президент сийсатини ороқсизлантирадиган бундай кўйимчиликларга ҳеч қачон йўл қўйилмайди. "Маҳалла" жамғармаси (Ш. Жалилов), "Нуроний" жамғармаси (Ш. Жалилов), Хотин-қизлар кўмитаси (Т. Нарбаева), Ички ишлар вазирлиги ва Ёшлар

иттифоқи билан биргаликда, бир ой мuddатда ҳудудлардаги оилавий жанжаллар, қўшнлар ўртасидаги келишмовчилик ва низоларнинг туб сабабларини аниқлаб, уларнинг ечимини топиб, тарафларни яраштириш юзасидан зарур чоралар қўрилиши таъминласин.

Жиноятларнинг барвақт олдини олиш, аҳоли билан самарали мулоқот ўрнатиш тинчлик-оқошшатиликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Хозирги кунда ички ишлар органлари идораларининг ўта марказлашган ҳолда жойлашуви уларнинг ўз вазифаларини самарали ҳал қилиш имконини бермапти.

Бу, бир томондан, жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлиги пасайишига олиб келаётган бўлса, бошқа томондан, аҳолига ўз муаммосини ҳал қилишда ноқулайлик туғдиришмоқда.

Биз ички ишлар органлари ходимларини халққа янада қўнроқ қилиш мақсадига ходимларнинг асосий қисми мавсита жойларда, керак бўлса, ҳар бир сектор ҳудудида хизмат олиб боришини таъминлашимиз керак.

Давлат маслаҳатчиси О. Муродов Ички ишлар вазирлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Т. Жўраев) билан биргаликда, **икки ҳафта мuddатда** Самарқанд шаҳри ва Урганч тумани ички ишлар органлари тузилмаси ҳамда куч ва воситаларининг тақсимлашини тубдан қайта қўриб чиқиб, тажриба тариқасида мавжуд хизматларнинг фаолиятини жойларда мақсадли ташкил этиш ҳамда уни самарали мувофиқлаштиришга доир тақлирлар киритсин.

Учинчидан, юқорида қайд этилган барча камчиликлар ички ишлар органларида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, қайта тайёрлаш бўйича ишларнинг қонқарисизлиги билан боғлиқ.

Ички ишлар органлари ходимларининг асосий вазифаси жиноятларни барвақт аниқлаш ва олдини олишдан иборат. Лекин уларнинг ўзлари томонидан оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилса, буни қандай изоҳлаш мумкин?

Жорий йилнинг ўтган даврида 42 нафар ички ишлар ходими томонидан 25 та жиноят содир этилган. Уларнинг 10 таси мансабни суистемлоб қилиш, 7 таси пора олиш билан боғлиқ жиноятлар содир этган. Бундай ички ишлар ходимларининг 9 нафари вилоят микёсидаги ходимлар экани аниқка ачинарлидир.

Вилоятда ҳар йили ички ишлар ходимлари томонидан ўртача 40 тага яқин жиноят содир этилмоқда. Бу кўрсаткич юқори даражада қолаётгани ва бу йўналишдаги профилактик тадбирларнинг самарасизлиги бизни жиддий ташвишлантирмоқда.

Табиий бир савол туғилади: Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи Ф. Қувондиқов бундай ҳолатни қандай изоҳлайди? Ёки узоқ мuddат бу лавозимда ишлаб чарчаб қолдимиз? Агар чарчамаган бўлса, ишида натижа бўлиши керак. Натижа эса йўқ. Бундан ҳақиқат.

Бундай нохуш ҳолатга Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти алоҳида, тақдор айтман, алоҳида эътибор қаратиши шарт.

Ички ишлар ходими халқимизга намуна, ўрнатқурсатадиган, керак бўлса, эл-юрт учун фидойи инсон бўлиши керак. Чунки ички ишлар ходимига ишониб, халқимиз кечаси уйда тинч ухлайди, кундузи иш жойида самарали меҳнат қилади.

Бундан бундан ички ишлар тизимига кадрлар билан ишлаш, уларнинг малаҳаси ва масъулиятини ошириш ишларига алоҳида эътибор қаратиш, бу масала қатъий назоратга олиниши зарур.

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси О. Муродов **бир ҳафта** мuddатда Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси фаолиятини ҳар томонлама танқидий қўриб чиқсин.

Вилоят раҳбарларининг ушбу соҳада амалга оширган ишлари бўйича ҳисоботларини тинглашни ташкил этсин. Бошқарма бошлиғи Ф. Қувондиқов эғаллаб турган лавозимига лойиқлиги ёки лойиқ эмаслиги — шу масала бўйича таъкид киритсин.

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси О. Муродов Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда, **бир ҳафта мuddатда** ички ишлар органлари ходимлари томонидан содир этилиши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг келиб чиқишига чек қўйиш ва шахсий таркиб ўртасида маънавий-руҳий муҳитни соғломлаштириш, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрсин.

Муҳтарам депутатлар! Бугун биз Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бораидаги айрим натижаларни қисқача таҳлил қилиб, бу борадаги энг муҳим

вазифаларга тўхталиб ўтдик, холос. Афсуски, вилоят собиқ раҳбарининг мавжуд имкониятларни тўлиқ сафарбар қилишга қурб етмади, вилоят ахлини жипслаштириш ва унга бошчилик қилишни эпламади, ўзини масъулиятли ишлардан четга олди. Шу сабабли жорий йил июнь ойида Х. Оқбўтаевни вазифасидан озод қилиб, Туробжон Жўраевни вилоятга вақтинча раҳбар эътибор қаратиш ва уни яна бир бор синовдан ўтказдик.

Шу муносабат билан бугунги сессияда ташкилий масала, яъни, Самарқанд вилоятига янги ҳоким тайинлаш масаласини қўриб чиқишимиз керак.

Биз халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги сийсий партиялар гуруҳлари билан, вилоят фаоллари ва оқсоқоллари билан атрофлича маслаҳатлашдик. Шу асосда мен катта тажрибага эга бўлган, бир неча йиллар давомида вазир, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳоким бўлиб ишлаган, бугунги кунда Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини вақтинча бажариб келаётган **Туробжон Икромович Жўраев номзодини вилоят ҳокими лавозимига** тавсия этаман.

Т. Жўраев 1966 йилда туғилган. Ўз фаолияти давомида Тошкент давлат иқтисодий университетиде дарс берган, Молия вазирлигида бошқарма бошлиғи, вазир ўринбосари бўлиб ишлаган.

Кейин халқ таълими вазирлиги, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳокими лавозимларида фаолият кўрсатган. 2017 йилда Бекобод тумани ҳокими,

июнь ойидан бундан эса Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Туробжон Жўраев иқтисодий олим, катта амалий тажрибага эга раҳбар сифатида ўтган 5 ой мобайнида Самарқанд вилоятининг иқтисодий ва ижтимоий соҳасининг ичига кириб бора олди, одамлар билан яқиндан мулоқот қилиб, уларнинг ишончини қозонди.

У бундан бундан ҳам зиммасидаги улкан масъулият ва жавобгарлиқни чуқур ҳис қилган ҳолда, Самарқанд ахли билан тил топишиб, бу кўпни қўрган, мард ва олижаноб элга муносиб бўлиб ўзи олиб боради, деб ишонаман.

Азиз ва муҳтарам дўстлар! Бугунги шиддатли замон бир-биридан ўткир ва мураккаб вазифаларни олдимизга қўймоқда. Уйлаيمانки, ўзининг неча минг йиллик тарихида кўп синов ва машаққатларни мардона энгиб ўтган, донишманд Самарқанд ахли бу ҳақиқатни яхши тушунади.

Шунинг учун ҳам биз бугунги масъулиятли дарва ўз олдимизга қўйган юксак мақсад ва марраларга етишда бутун халқимиз қатори Самарқанд ахлининг ақл-заковати, улкан иш ва ҳаёт тажрибасига таянамиз.

Ишончим комил, азаму шижоатли, меҳнатқат Самарқанд эли вилоятининг янги раҳбари атрофида бирлашиб, Самарқанд заминини янада раванқ топтириш йўлида ижобий натижаларга албатта эришади.

Шу йўлда барчангизга сийхат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман. Эътиборингиз учун раҳмат.

ҲАР БИР ЛОЙИҲА ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Ўтган вақт мобайнида бу ерда бажарилган кенг қамровли ишлар натижасида мажмуа яхлит мейорони ансамблга айланди. Мақбара атрофида Хазрати Хизр масжиди билан уйғун ҳолда миллий услубдаги айвонлар барпо этилди. Йўлақар атрофи мрамар панжара билан қопланди, эиэратчиларга қўшимча қўлайлик яратиш мақсадида замонавий лифтилар ўрнатилди.

Зиэратта келувчиларга йилнинг тўрт фаслида ҳам қўлай бўлиши учун зарур шароитлар яратилди. Атрофдаги йўлақар таъмирланиб, автомобиллар тўхташ жойи барпо этилди. Шохи Зинда қабристонни деворлари реконструкция қилиниб, ҳудуди ободонлаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари мажмуадаги шароитларни янада яхшилаш бўйича мутасаддиларга тавсиялар берди.

Президентимиз Самарқанд шаҳридаги собиқ лифтозлик заводи ҳудудида ташкил этилган янги саннат мажмуасида бўлиб, вилоятда амалга оширилаётган йирик лойиҳалар билан танишди. Дастлаб енгил саннат корхоналарида ишлаб чиқарилган махсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 14-15 апрель кунлари вилоятга ташрифи чоғида берилган топшириқлар асосида 2017-2018 йилларда амалга оширилиши мўлжалланган 19 лойиҳа бўйича изчил ишлар бажарилмоқда.

"Сам Рафаток Текстиль", "8 март", "Иман текс", "Самарқанд Евро Азия Текстиль", "Амин инвест интернейшнл", "Мароқанд сифат" каби корхоналарда тайёрланаётган тикув-трикотаж махсулотлари, бўялган трикотаж мато ва кийим-кечаклар ички бозордан ташқари, экспортга ҳам йўналтирилмоқда. Бу корхоналар салоҳиятини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш имконини бераётир.

Айни пайтда Пастдарғом, Самарқанд, Булунғур, Оқдарё туманларидаги қатор корхоналарда янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Бунинг натижасида жинси мато, жинсидан тайёр кийим-кечак, янги турдаги вельвет, мебель газламалари, аралаш ва синтетик матолар ишлаб чиқариш ҳажми кенгайди.

Шавкат Мирзиёев соҳада яратиладиган ҳар бир иш ўрни муҳим экани, бу корхоналар истиқболини белгилаш ва аҳолини доимий иш билан таъминлашда алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади.

Шу ерда терини қайта ишлаш, чарм-поёзал ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари "Ideal elektroluks" Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган машичи техника жиҳозлари, "Sino" акциядорлик жамиятида тайёрланаётган музлаткич ва совиткичларни кўздан кечирди. Махсулотларга ташқи бозорда харидор топиш, экспорт имкониятларини кенгайтириш юзасидан топшириқлар берди.

Президентимизга 2018-2019 йилларда Самарқанд вилоятини комплекс ривожлантириш дастури доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар тўғрисида маълумот берилди. Унга қўра, умумий қиймати 5,2 триллион сўмлик 2020 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади, 19 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилади.

Мазкур дастур ижроси самарасида келгусида аҳоли даромадларини 2 баробар, саннат махсулотлари ҳажминини 1,7, хизмат кўрсатиш ҳажминини 1,8, пудрат ишлари қўшминини 1,9, қишлоқ хўжалиги махсулотлари етказилиш ҳажминини 1,4 марта ошириш режалаштирилган.

Шавкат Мирзиёев лойиҳаларни амалга ошириш мuddатларини қисқартириш, айни пайтда 2018 йилга мўлжалланган режалар тузиш зарурлигини таъкидлади. Бунда хоржилик

инвесторларни кенгроқ жалб қилиш ва тайёр махсулот ишлаб чиқаришга эътибор қаратиш лозим.

Вилоятда автомобилсозлик, элекротехника, фармацевтика соҳаларида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар ҳам махсулотлар турларини кўпайтириш ва аҳоли даромадларини ошириш имконини беради.

Самарқанд вилоятида ер ости бойликлари кўп. Жумладан, керамик плитлар, цемент, табиий пардозоб тошлар, металлни рухлаш ва полимерациялашда ишлатиладиган қазилма бойлиқлар захиралари мавжуд.

"Узқурилишматериаллари" акциядорлик жамияти томонидан мазкур йўналишда келгусида 100 дан зиёд лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, ушбу мақсадлар учун асосан хоржий инвестициялар жалб қилинади.

Бугунги кунда вилоятдаги қарьерлардан тўлиқ фойдаланиб, қурилишоб ашёлар қазиб чиқариш кўпайтирилмоқда. Биргина Нуробод туманида Туркия билан ҳамкорликда 25 миллион доллар эвазига 500 минг кубометр газоблоқ ишлаб чиқариш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Шавкат Мирзиёев белгиланган лойиҳалар вилоят салоҳиятига мос эмаслиги ва бу борада янада самарали лойиҳаларни ўзлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Пахтачи, Каттақўрғон, Нарпай туманларида ҳали фойдаланилмаган қанчадан-қанча бойликлар мавжуд, деди давлатимиз раҳбари. Бу ҳудудларда геологик изланишлар олиб бориш, четдан инвесторларни жалб қилган ҳолда, янги конларни ўзлаштириш лозим. Бу сифатли қурилиш махсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда вилоят иқтисодийотини ривожлантириш билан бирга, юзлаб янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш юзасидан

амалга ошириладиган лойиҳаларга ҳам алоҳида эътибор қаратди.

2017-2018 йилларда Самарқанд вилоятининг туристик салоҳиятини ривожлантириш дастури бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Дастурга биноан, 2018 йил вилоятда 19 меҳмонхона қурилиб фойдаланишга топширилди. Натижада соҳада мингдан ортиқ иш ўринлари яратилади.

Самарқанд шаҳрида қўшимча меҳмонхоналар қуриш учун ундан ортиқ жой танланган. Жумладан, Туркиянинг "APEAS" компаниясига 20 миллион доллар микдорда инвестиция киритиш ҳисобига 4 юлдузли меҳмонхона қуриш учун ер ажратиб берилган. Замонавий меҳмонхоналар билан бирга, хоржий сайёҳлар орасида катта қизиқиш уйғотадиган уй-меҳмонхоналар тизимини барпо этиш режалаштирилган.

Президентимиз жорий йилда хоржидан келган сайёҳлар вилоят иқтисодийотига келтирган фойда бошқа қўлаб соҳалардагидан юқори эканини таъкидлади. Вилоятда туризм инфратузилмасини жадал ривожлантириш хоржий сайёҳлар оқимини кўпайтириш, иқтисодийот тараққийотига янгича суръат бериши қайда этилди.

Давлатимиз раҳбарининг вилоятга ташрифлари чоғида берган кўрсатмалари асосида Самарқанд шаҳрининг Чўпонота массивини ободонлаштириш, янги автомобиль йўли очиш, шаҳар аҳолиси ҳамда сайёҳлар учун замонавий хизмат кўрсатиш объектлари ва меҳмонхоналар барпо этиш мўлжалланмоқда.

Вилоят туризмига таалуқли яна бир йирик лойиҳа — Амир Темур қўчасидаги собиқ "Алломиш" заводи ҳудудида барпо этиладиган "Самарқанд Сити" туристик зонасида. Шунингдек, Самарқанд эшак эшиш канали атрофида ҳам замонавий сайёҳлик шаҳарчаси барпо қилинади.

Президентимиз хоржилик мутахассислар иштирокида ишлаб чиқилган сайёҳлик масканлари лойиҳалари билан танишар экан, туристик хизматларга бўлган талаб ошиб бораётганини инобатга олиб, сайёҳлар учун барча шароитни яратиш зарурлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев шу ерда замонавий лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан туркиялик ишбилармонлар билан сўхбатлашди. Лойиҳалар билан танишуш чоғида Президентимиз қишлоқ хўжалигида янги тармоқ — ёнғоқ етиштиришни кўпайтириш, бу борада илгор хоржий тажрибани ўрганган ҳолда, ўзимизга хос боғдорчилик маданиятини шакллантириш, бугунги кунда дунё бозорига талаб юқори бўлган ёнғоқ махсулотлари экспортини ривожлантириш чораларини қўриш бўйича топшириқлар берди. Шунингдек, Самарқанд вилоятда чорвачилик, балкичилик ва бошқа тармоқларда истиқболли лойиҳаларни белгиланган мuddатларда амалга ошириш масалалари атрофлича муҳомама этилди.

Шу кунги халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Президентимиз тавсиясига қўра, Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажариб келаётган Туробжон Жўраев Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Матназар ЭМУРОДОВ, Ғолиб ҲАСАНОВ, Ўза махус мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Лиза КЁРТИС, АҚШ Президенти маслаҳатчиси ўринбосари, Миллий хавфсизлик кенгашининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича катта директори:

— Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашувимиз самарали бўлди. АҚШ ва Ўзбекистон муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашдик.

АҚШ Ўзбекистондаги изоҳлотларни, хусусан, иқтисодий, инсон ҳуқуқлари, диний эркинлик бораида амалга оширилаётган ишларни юқори баҳолайди. АҚШ ва Ўзбекистон ҳамкорлигини ривожлантириш учун жуда катта имконият мавжуд. Мамлакатларимиз ўртасида савдо ва инвестиция алоқаларини кенгайтиришдан манфаатдормиз.

Биз Ўзбекистоннинг минтақадаги давлатлар билан яхши қўшнчилик муносабатларини мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган саъй-ҳаракатларини, минтақавий интеграция ва ҳамкорликни қўллаб-қувватлаймиз.

Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш халқроқ ҳамжамият учун устувор масала-лардан бири ҳисобланади. Ушбу

мамлакатдаги муаммоларга сийсий ечим топиш, Афғонистоннинг Марказий Осиё билан иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришда Ўзбекистоннинг роли катта, деб биламиз. Биз Афғонистон масаласида Ўзбекистон билан биргаликда ишлашдан манфаатдормиз. Чунки Афғонистон барқарорлиги Марказий Осиё ва АҚШ учун фойдали, глобал терроризмга қарши курашишнинг муҳим қисмидир.

Миррослаб ЕНЧА, БМТ Бош котибининг сийсий масалалар бўйича ёрдамчиси:

— Ўзбекистон билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамкорлигида мисли қурилмаган ўсиш кузатишмоқда. Жорий йилнинг ўзида олий ва юқори даражадаги қатор ташрифлар амалга оширилди. БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг Ўзбекистонга ташрифи ва Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясидаги иштироки уларнинг орасида энг муҳимлари бўлди.

БМТ Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган кенг қўламли изоҳлотларни қўллаб-қувватлади. Бу изоҳлотлар самараси БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига мос келади. Президент Шавкат Мирзиёев

ташаббуси билан минтақавий ҳамкорлик ҳар томонлама ривожланмоқда. Бу бутун минтақа мамлакатлари фаровонлигини ошириш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Самарқандда бўлиб ўтадиган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққийот йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференция ҳам шу борада муҳим аҳамият касб этади. Унда қўллаб давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этаётгани диққатга сазовор. Бу минтақа мамлакатлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, турли масалаларни ҳал этиш ва истиқболдаги мақсадларни белгилаш бўйича фикр алмашиш учун қўлай майдон бўлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон билан ҳамкорликни изчил давом эттириш ва янада кенгайтириш тарафдоридир.

Томас ГРЕМИНГЕР, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби:

— Самарқандда бўлиб ўтадиган нуфузли ва муҳим конференцияга тақлиф этгани учун Ўзбекистон Республикаси раҳбариятига миннатдорлик билдираман. Бу конференция замонамизнинг

долзарб масалалари муҳомама қилиш қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

Ўзбекистон барқарор ривожланиш, минтақада ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга йўналтирилган прагматик сийсат олиб бормоқда. Бу ёндашуш минтақа давлатлари билан ўзаро алоқалари ривожига кенг йўл очмоқда.

Марказий Осиёнинг тинчлиги ва тараққийоти бизнинг ташкилотимиз учун ҳам муҳим. Бу ўзаро ҳамкорлик салоҳиятидан фойдаланиш имкониятларини оширади.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган. Биз уни қўллаб-қувватлаймиз.

Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашувда терроризм, экстремизм, трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳомама қилдик. ЕХТТ ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш бўйича «йўл харитаси» ишлаб чиқиш борасида келишувга эришилди.

Ўза мухбири А. САМАДОВ ёзиб олди.

ДЕПУТАТ ФИКРИ

Аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини оширишда барча соҳа қатори электр энергетика тармоғи ҳам муҳим ўрин тутди. Таъкидлаш жоизки, биз, депутатлар ҳудудларга чиқиб, ижтимоий-иқтисодий аҳолини ўрганиш жараёнида истиёмолчиларга өтказиб берилаётган энергия ресурслари қийматини аниқлашда табақалаштирилган ёндашуш мавжуд эмаслиги ҳамда бу ноқоқилна фойдаланишга сабаб бўлаётганига, муқобил энергия манбаларининг жорий этилмаганига гувоҳ бўлдик.

